

Гулбаҳор ҲАБИБУЛЛАЕВА

**БЕҒУБОР
БОЛАЛИК**

Шеърлар

«Фарғона» нашриёти — 2005

84(59)6-5


Гулбаҳор Ҳабибуллаева сўлим
Косонсойдан. Шеърят бўстонига
ўзининг беғубор ифторлари, ранглари
билан пайдо бўлган бу ғунча ҳали кўп
кўнглиларни ўзига ром этади деб
ўйлаймиз. Бунга қўлингиздаги мўъжаз
китобча далил бўлади.

Ўқиб кўринг, шеърларининг ранг-
баранглиги, ўзига хослиги эътирофга
сазовор. Ҳатто китобнинг сўнгги
варақларидаги шеърлар, топишмоқ-
лар бошланғич синф ўқитувчи ва
ўқувчиларига қўлланма сифатида
асқотади.

Мен умидли қаламкаш Гулбаҳор
синглимизга ижодий зафарлар,
ғайрат ва омад ёр бўлишини
тилайман.

Омад сенга, ГУЛБАҲОР!

ДИЛОРОМ.



1031325
081

ҚУЁШ БИЛАН СУҲБАТ

— Эй сахий қуёш,
Тингла сўзимни.
Сен билан чин дўст,
Тутай ўзимни.

Кенг жаҳон аро,
Номинг бир достон.
Сен чиқсанг, ҳар ён
Бўлар гулистон.

Санасам кўпдир,
Чин ошноларинг.
Гул ва чечаклар,
Сенинг дўстларинг.

Сахийликда ҳам,
Номингдир баланд.
Улуғ ишингдан,
Элу юрт хурсанд.

Нечун биз учун
Жон куйдирасан.
Толиқдим демай
Яшнаб турасан.

—Мен меҳр нима
Яхши биламан.
Нуримни асраб,
Нима қиламан.

Элни шод қилиб,
Кўнглим хотиржам.
Очилиб турсин,
Ғунчалар ҳар дам.

ОНА АЛЛАСИ

—Тўлин юлдузлар,
Бунча гўзалсиз.
Кечалар ялт-ялт
Порлаб турарсиз.

Кўп хаёл суриб,
Нималар ҳақда
Бир-бирингизла
Суҳбат қурарсиз?

Айтингчи, нима
Сизни ром этган?
Жилойингизни
Бардавом этган?

Дедилар: "Бизни,
Ром этган бир куй.
Бу куйни сен ҳам
Ардоқлагин, суй.

Тунда доимо
Айтар оналар.
Ундан баҳраманг
Бўлар болалар.

*Бу куйдан биз ҳам
Огоҳ бўламиз.
Тинглаб осуда
Нурга тўламиз.*

*Бу дамлар туннинг
Гўзал палласи.
Бу сеҳрли куй—
Она алласи.*

МЕН БАХТЛИМАН

*Мен бахтлиман, бахтиёр,
Буюк Темур бобом бор.
Жасоратда тенги йўқ,
Тўмарисдек момом бор.*

*Нурга бошлар йўлим бор,
Эътиқодли элим бор.
Менга йироқмас осмон,
Кўкка етар қўлим бор.*

*Олтинга тенг ерим бор,
Ҳалол меҳнат терим бор.
Ёлғиз сезсам ўзимни,
Овунчоғим шеърим бор.*

*Меҳрли юрагим бор,
Нур бермоқ тилагим бор.
Менга кераксан халқим,
Мен сенга керагим бор.*

АЁЛ ҲАЁТ КЎРКИ

*Ҳаёт ҳаёт бўларму, ҳаёл бўлмаса,
Дунё дунё бўларму, аёл бўлмаса,
Меҳнат ила тер тўккан киши
хор бўлмас,
Меҳнат роҳат бўларму
ҳалол бўлмаса.*

*Толе, орзу истиқбол кўзгуси хаёл,
Гўзаллик ва яхшилик эзгуси хаёл.
Орзу қилгил бегубор, орзунг ушалгай,
Инсонларнинг кечмишин сезгуси хаёл.*

*Аёл кўрки одоб, ахлоқ, шарм-ҳаёдир,
Аёлсиз бу дунёнинг бағри сиёдир.
Аёл борки бу ҳаёт тотли, мунаввар,
Аёл ҳиссиз қалбларга нуру зиёдир.*

КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАБ

*Ўзбекистон қудратли,
Жаннатмакон, буюк юрт,
Ҳар бир иши ибратли
Дилга яқин, суюк юрт.*

*Ҳилпираган байроғи
Бизнинг ғурур, ифтихор.
Гўзал бир хумо қушли
Давлатимиз герби бор.*

*Бизнинг Ўзбекистонда
Одил қонун устивор,
Шундай экан, дўстларим,
Адолат ҳам барқарор.*

*Ҳар бир ҳуқуқ, бурчимиз
Жойласак гар юракка,
Ҳеч қандай шак—шубҳасиз
Етажакмиз тилакка.*

*Тинчлик, эркинлик сўзин
Доим ёдга олайлик.
Конституциямизга
Содиқ бўлиб қолайлик.*

Ю Р Т И М

*Юртимни мадҳ этаман
Дилдан куйлаб ўтаман.
Бепоен, тинч ўлкамни
Мен бахтиёр этаман.*

Тип-тиник сув, соф ҳаво,
Доим янграр шўх наво,
Тупроғин қўлга олсанг
Бўлар дардингга даво.

Шундай гўзал ўлкага
Ким ҳам шайдо бўлмайди.
Элу юртим мадҳини
Ёзсам, адо бўлмайди.

ҚАДРДОН ДЎСТИМ

Кучукча топиб олдим
Ўзимизнинг кўчадан,
«Кимники?»—ҳайрон қолдим
Сўраб кўрдим нечадан.

Олиб келдим мен уйга
Ёқтириб қолдим уни,
Сайрга кўча-кўйга
Борардик биз ҳар кун.

Эгаси келиб қолиб
Унга бақирди ёмон,
Бўйнига занжир солиб
Ҳайдади уйи томон.

Қувонгандим, қувончим
Узоққа чўзилмади.
Унга бўлган ишончим
Риштаси узилмади.

Эртаси худди ўша
Кучукча излаб келиб,
Бағримга отилди-ю,
Қўйди бошин суйкалиб.

ЭРИНЧОҚ ҚИЗ

Ҳовлини супурсанг бўларди, қизим,
Вой-бўй қарагин, ҳаммаёқ ифлос.
Идиш-товоқлар чанг бўлиб ётибди,
Меҳнатга ҳам озгина
қўйгинда ихлос

—Э, ойи бас қилинг, уйқум буздингиз,
Ишларни бажарсам,

кўнглингиз тўлар?

Эрта бор, индин бор,

бунча шошдингиз,

Бугун бўлмаса бўлмас, эртага бўлар?

БАҲОР

Очилади бойчечак,

Гулга қўнар капалак,

Осмон узра камалак

Мунча суюксан, баҳор!

Сайраб учар булбуллар,

Завқланади кўнгишлар,

Хурсанд опа-синишлар

Мунча суюксан, баҳор.

ОПА-СИНГИЛЛАРГА

Бизнинг қўшни ҳовлида
Яшар опа-сингиллар.
Эҳ, уларни кўрсангиз,
Ғаш тортади кўнгиллар.
Иш буюрса, онаси
Афти буришиб кетар
Сансоларга тушишиб,
Зумда уришиб кетар.
— Супуришни эй опа,
Фақат сизга чиқарган.
— Нега энди мен экан,
Сен ҳам бажарда, ўрган!
— Менга иш буюрмасдан,
Ювиб қўйинг, идишни.
— Мен синдириб қўяман,
Эпложмайман бу ишни.
Онаси дер: "Бўлди, бас,
Жанжал қилманг, етади
Ғап ўрнига иш қилинг,
Ҳаммаси ҳам битади.
Ишёқмас, эринчоқлар,
Дейман уят сизларга!
Онага ёрдам бермоқ,
Фарз саналар қизларга.

УКАМ БИЛАН ТУНГИ СУҲБАТ

*Кечқурун укам билан
Дам оламиз айвонда.
Саволлари кўп бирам:
“Тили борми ҳайвонда?”*

*Мултфилмдаги итлар
Гапиришни билади.
Чиройлидир жуда ҳам
Барча ишни қилади.*

*Бизнинг ит бирам хунук,
Балки, ялқовмикин, а?
Гапир, десам, гапирмас
Ёки соқовмикин, а?*

*Вой бечора итгинам
Дея кўзин ёшлайди.
Сўнгра осмонга боқиб,
Бир оз тўхтаб, бошлайди:*

*— Анови юлдузларнинг
Уйқуси йўқ шекилли.
Доим ёнма-ён яшар,
Улар бирам аҳил-ки.*

Шундай баланд осмондан
Тушмайдими йиқилиб ?
Бунга жавоб тополмай,
Кетдим жуда сиқилиб.

Ҳайронман, нима учун
Доим инсоннинг кўзи,
Очилиб-ёпилади.
Бу қанақа ҳол ўзи?

Анови экрандаги
Одамларга бир қаранг,
Телевизорга улар
Сиғиб турибди аранг.

Биз эса ҳеч сиғмаймиз
Бу равшандир кундайин.
Вой, тавба қилдим, митти
Одам борми шундайин?...

Ҳайрон бўлманг укамга
Удир шунақа ўзи.
Лол қолдирар инсонни
Унинг айтган ҳар сўзи.

УСТОЗИМГА

(Шоир Муҳаммадали Эргашевга)

Бўлинг йўлдош, ланоҳим
Умр берсин Аллоҳим.
Минг йил яшанг илоҳим,
Устозим, омон бўлинг.

Эҳтиром, сизга эъзоз,
Дард кўрмангиз ҳеч, устоз.
Сўзингиз инсонга хос
Устозим, омон бўлинг.

Бўлинг соғу саломат
Шеърлар ёзиб аломат.
Кўрманг сира маломат,
Устозим, омон бўлинг.

Сизга бўлсич шараф-шон,
Сиз-ла дилим нурафшон,
Кулинг, бўлманг паришон,
Устозим, омон бўлинг.

Куй-қўшиқнинг сози ман,
Баҳор пояндозиман.
Айтинг: «Сендан розиман»
Устозим, омон бўлинг.

ҚАЛДИРҒОЧ

Тумшугинг-ла лой чўқиб,
Меҳнат қилдинг ёзгача.
Ишинг битганидан сўнг,
Кайфиятинг ўзгача.

Уйимизга ин қуриб
Чақчақлайсан доимо,
Ёқимли куйинг учун
Бўлдим сенга маҳлиё.

Сен келсанг уйимизда
Ўйин-кулгу бошқача,
Боланг учун емишга
Борасан тоғ-тошгача.

Мовий осмонда эркин
Учасан отиб қулоч,
Менинг митти дўстимсан,
Қалдирғочим, қалдирғоч!



ГУЛҲАЁ

Гулҳаё қиз эҳ бугун
Олти ёшга тўлади.
Уйларида кечқурун
Катта байрам бўлади.

У аслида яхши қиз
Лек, ёмон иллоти бор.
Ҳар нарсасин изнсиз
Қизғонар, бермас зинҳор.

Ойиси совға қилди
Бир ажойиб қўғирчоқ,
Дадаси олиб берди
Жажжигина қўзичоқ.

Беш-олти дўстларин ҳам,
Таклиф этди Гулҳаё,
Ва дастурхон кўркидан
Уйга тўлди нур, зиё.

Хонада ўйинчоқлар
Ётар эди қалашиб.
Хурсанд бўлиб дўстлари
Олишдилар талашиб.

Гулҳаё: «Ҳой, Замира
Қўғирчоғимнинг тожи
Синиб қолса йўқдир ҳеч
Тузатишнинг иложи !

Машинам ғилдираги,
Тушиб кетади ҳозир.
Қани, бўл, тезда уни
Жойига қўйчи, Носир !

Одил, Сарвар сизлар ҳам
Беринглар мушукчамни,
Вой, Заҳро, думин узиб
Қўймагин, кучукчамни!»

Кўп ранжишди дўстлари
Унинг айтган сўзидан.
Хатосини тушунди—
Гулҳаё ўз-ўзидан.

Дўстлари эса зўмда
Кечиришдилар уни,
Гулҳаё учун байрам
Бўлиб кетди шу куни.

ГИЛОС ВОҚЕАСИ

*Бир воқеа эсимда:
Ака-ука бўлганмиш.
Бири ўн, бири эса
Олти ёшга тўлганмиш.*

*Бир кун улар ойиси
Кета туриб ишлаш-чун,
Бир лycopчага гилос
Олибди улар учун.*

*Сўнг дебди: “Бу гилоснинг
Ярмин олиб қўясан.
Аканг ҳам келиб қолар
Ярмига ҳам тўясан”.*

*У очофатлик қилиб
Ҳаммасин еб қўйибди.
Меъёридан ортиқ еб
Роса қорни тўйибди.*

Сўнгра сира юролмай
Қийналибди жуда ҳам,
Ва акаси мактабдан
Келиб қолибди шу дам.

Индамабди укаси,
Ойиси ҳам қайтибди.
У ҳеч ҳам чидаялмай,
Бўлган ишни айтибди.

Ойиси: "Очофатлик,
Бошга бало, деб шунга
Айтсалар керакда?" деб
Танбеҳ берибди унга.



СИЧҚОНЧА

*Беташвиш сичқончаман,
Топганим кемираман.
Таним нимжон, ҳа майли,
Нон есам семираман.*

*Етиб келганга ўхшар
Очофат мушук қурғур!
...Тинч уйимга ҳам кириб
Олдим, шунгаям шукур.*

*Вақтин бекор ўтказиб,
Пайтин пойлаб юради.
Ўзи ушолмайди-ю,
Қувлаб озор беради.*

СИЧҚОН УШОЛМАГАН МУШУК

*Мен мушукман, сичқонлар
Панд беради мушукка.
Энди ушлайман, десам,
Кириб кетар тешикка.*

*Роса уни болайман!
Агарда қўйсам қопқон.
Жимлик-ла пайт пойлайман,
Вой қаранг, ана сичқон!*

*Қар гал қувиб етганда,
Бир ҳийлани бошлайди.
Жуда бўлмаса дарров
Кўзларини ёшлайди.*

*«Сичқон-мушук» ўйини,
Тугамайди сира ҳам.
Хафа бўлма сичқонча
Бу дунёнинг бири кам.*

Боғ ичига мевалар
Қип-қизариб пишибди.
Олмаю шафтолилар
Таг-тагига тушибди.

Ариқлару анҳорда
Сувлар оқиб турибди.
Шивир-шивир қўшиғи
Дилга ёқиб турибди.

Мовий анҳор қаърида
Тотув яшар балиқлар.
Ёмғир ёға бошласа,
Сувга тўлар ариқлар.



Қ И С М А Т

Аввал эди ёш ниҳол
Бағрига олди тупроқ.
Ўсди бўлиб баркамол,
Очилди гулу япроқ.

Меҳр олиб богбондан
Мева туғди шакар-бол.
Баҳра оларди барча,
Шудир унга бахт-иқбол.

Аста-секин барқ уриб,
Оламга қўшди чирой.
Янада қад кўтарди,
Кўркамлашди ойма-ой,

*Мевасини беминнат,
Тутти суюб келганга.
Ўз-ўзидан севиниб,
Соғлиқ тилар еганга.*

*Сояси жонга роҳат—
Ошди қадр-қиммати.
Бошга тушди ҳадемай,
Хазонрезги ҳисмати.*

ИДИШЛАР ТЎПЛАМИ

Чойнак

*Мен чойнакман,
Мен чойнак.
Сопол, чинни,
Нақ ойнак.
Бирам узун
Бурним бор,
Ҳар бир уйда
Ўрним бор.*

Коса

Мени дейдилар
Коса,
Қулай идишман
Роса.
Шаклим менинг
Юмалоқ,
Синдирма, ҳой
Қизалоқ!

Товоқ

Исмим билиб
Ҳойнаҳой,
Деманг биздан
Йироқ, вой!
Идишларнинг
Сарвари
Ахир мен-ку,
Товоқвой!

ТОПИШМОҚЛАР

*Тилсиз аммо сўзлайди,
Эзгуликни кўзлайди.*

(Китоб)

*Зарари бор соғлиққа,
Жуда ўчдир ёғлиққа.*

(Пашша)

*Ташлаб юборма пўстин,
Кўп дардга даво бўлар.
Кимки истеъмол қилса,
У албат кучга тўлар*

(Анор)

*Бу қўшиқнинг сеҳри бор,
Унда она меҳри бор.*

(Алла)

Порлар нурли бир чироқ,
Аммо у биздан ғироқ.
Бунчалар митти дема,
Қани, Барно, бу нима?
(Юлдузлар)

Дардингга бўлар малҳам,
Касаллик топар барҳам.
(Дори)

Соғлом, тетик юрарсан,
Ҳаёт гаштин сурарсан.
Сендан фақат бир талаб,
Ҳар кун бажар эрталаб.
(Бадан тарбия)

*Оғригади жизиллаб,
Қўрқманг, айтдим, ҳазиллаб.*

(Укол)

*Оппоқ кийим кияди,
Сенга ташҳис қўяди.
Бағишлайди борлигин,
Тиклар бемор соғлигин.*

(Шифокор)

*Дардга даво излаймиз,
Шу манзилни кўзлаймиз.*

(Дорихона)



М У Н Д А Р И Ж А

Қуёш билан суҳбат.....	3
Она алласи.....	4
Мен бахтлиман.....	6
Аёл ҳаёт кўрки.....	7
Конституцияга бағишлаб.....	8
Юртим.....	9
Қадрдон дўстим.....	10
Эринчоқ қиз.....	11
Баҳор.....	12
Опа-сингилларга.....	13
Укам билан тунги суҳбат.....	14
Устозимга.....	16
Қалдирғоч.....	17
Гулҳаё.....	18
Гилос воқеаси.....	20
Сичқонча.....	22
Сичқон ушолмаган мушук.....	23
Боғ.....	24
Қисмат.....	25
Идишлар тўплами.....	26
Топишмоқлар.....	28

Гулбаҳор Ҳабибуллаева

БЕҒУБОР БОЛАЛИК

Шеърлар

Муҳаррир:	ДИЛОРОМ.
Мусаввир:	А. ДАДАБОЕВ.
Тех.муҳаррир:	Ғ. МУЛЛАБОЕВ.
Мусаҳҳиҳ:	С. ЯҲЁЕВ.

7.06.2005 йилда теришга берилди. 10.06.2005 йилда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84. 1/32. Ҳажми 1,0 босма табақ. Газета қоғозига офсет усулида чоп этилди. Адади 1000 нусха. Буюртма 724. Баҳоси келишилган нархда.

«Фарғона» нашриёти. 712014. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«Чуст босмахонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.